

Миллий Ижтимоий

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITCHON PALATASI
INV. №



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1998 йил 29 сентябрь

31 (161) - сон

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси муҳаммад ризо оғаҳийнинг 190 йиллиги ва жалолиддин мангубердиннинг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида жуда муҳим қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар ўз моҳият эътиборига кўра яқин ва узоқ тарихимизни ўрганишда янги улуғ саҳифалар очди.

ЖАЛОЛИДДИНИ АРСЛОНЛАРНИНГ АРСЛОНИ ДЕБ АТАГАН ЭДИЛАР

Насллар сени йўқламоқдалар, Жалол. Сенинг мислсиз қаҳрамонлиқларингни сўрамоқдалар. Сенинг асли ким бўлганлигингни билишни жон-дилдан истамоқдалар. Сен Чингиз ўрдуси билан юзма-юз келишдан, у билан майдонларда жанг қилишдан ҳеч қачон қайтмаган, ҳеч қачон тенгсиз марду майдон эдинг. Йигирманчи аср тугаб пойнига етиб бормоқда. Сенинг ёшинг саккиз юзга етди. Шуҳратинг-шонинг заррача қаймаган эмас. Ҳеч ким тарихда зулм ва босқинчиликка сенчалик қарши турган эмас. Сенчалик буюк сабот ва ижтиҳод кўрсатган эмас. Ва ҳеч ким сенчалик оғир кечирилмас хиёнатлар ҳам кўрган эмас. Сен улуғ табиатли, оғир, вазим йиғит эдинг. Бир улуғ тарихинг ёзган: ҳеч ким ҳеч қачон Жалолиддиннинг кулганини кўрган эмас. Замон босқинлари, талотўнлар, саргардонликлар, қувгинлар, тинимсиз жанглар, давр эъравларнинг бебошлиқлари сенинг мардона чеҳрангдан қулгуларнинг изларини ўчирди.

Босқинга қарши туриш, она диёрларни озод қилиш ва озод кўриш, адолат салтанати қуриш сенинг асил оёмолинг эди. Сўнгги давларингга ҳақ шу улуғ оёмолдан бир дам бўлсин чекимдининг. Оёмол эгаси — оёмол билан яшадинг. Оёмол билан жуда ёш, навқирон йилгитлик чоғида сенга вафо қилмаган дунёни тарк этдинг.

Босқинга қарши туриш, она диёрларни озод қилиш ва озод кўриш, адолат салтанати қуриш сенинг асил оёмолинг эди. Сўнгги давларингга ҳақ шу улуғ оёмолдан бир дам бўлсин чекимдининг. Оёмол билан жуда ёш, навқирон йилгитлик чоғида сенга вафо қилмаган дунёни тарк этдинг.



ТУРБАТИНГ ҚАЙЛАРДА, ЖАЛОЛИ ТУРБАТИНГ ҚАЙЛАРДА ХАБАР БЕР!

Аловуддин Муҳаммад Хоразмишнинг оғир укубатлар келтирган нотўғри ҳарбий сиёсати боис золим, ваҳший, ёвуз куч қисқа бир пайт ичида Турон Туркистон ерларини эгаллаб, обод, ҳаёт қайнаган гўзал шаҳарларни қултепаларга айлантирган бир пайтда фақат Жалолиддин Мангубердингина мислсиз зулмга қарши тура олди. Шу қадар ёш бўлишига қарамастан енгилмас деб тан олинган босқинчиларнинг энг сара саркардалари ва энг сара лашкарларини буюк жангларда енгиб, маълум ўлкаларнинг халқларида эҳтишомлардан халос бўлиш имкончилигига умид, ишонч уйғотди. Уларни босқинчилар билан жангларда отлантри ва илҳомлантри олди. Наса, Қандаҳор, Чорикор, Парвон, Йасичаманда бўлган қаҳрамонона буюк жангларда ўзининг тенгсиз саркардалик салоҳияти ва даҳосини тўла равишда намоян қилиб олди. Туркийларнинг ҳарбий жасорати ва жанг санъати доври оламга дoston бўлди.

Мангуберди 1225 йилда Мароғани кўлга киритиб, қадим туркий маконлардан бўлиши Озарбойжонда мўғул зулми ва истилосига қарши, унга дош беришига, унга қарши майдонга чиқишга қодир бўлган плацдарм яратиш фикрига тушди. У зўр ғайрат, шижоат билан бу муҳим плацдармни қуришга киришди. Атрофдаги барча мамлакатлар, ўлкалар, шаҳарлар ҳукмдорларига мактублар жўнатди. Элчилар юборди. Уларга ўз олижаноб, улуғ максадлари ва ниятларини батафсил ва очик баён қилди. Епирилиб келаётган шафқатсиз золим кучга қарши бирилашиб, иттифоқ бўлиб майдонга чиқишни таклиф этди. Жалолиддин дипломатияга зўр берди. Дипломатия оживил қилган ўринларда ҳарбий куч кўллади. Яқин ва Урта Шарқдаги ўша даврда ҳукм сурган давлатларнинг барчасини Чингиз зулмига қарши отлантриш йўлида барча чораларни тўғри деб топди.

Чунинчи у Кўния султони Аловуддин Қайқубода ёзган мактубида: «Сенинг муҳаббатинг ва дўстлигингга арзийдиган энг нуносиб қимса — сенга имони ва тили яқин бўлган одамдир», деб ёзди. Унинг замон хонларига ёзган мактубларини юрак титроғисиз ўқиш кийин.

«Бизнинг халқларимиз шунчалар яқин бўлган ахволда биз дўстлик йўлларини очмасак, бирлик йўлидан бормасак, ўз манфаатларимиз ва фойдаимизни кўзламасак, биргаличиб қулфаларга қарши турмасак — унда ким бизни ўзига дўст тутайди? Кайда ва қайси ерларда биз ичмакка сув, емакка

ризуку рўзимизни топамиз?» Бу ажойиб хат 1225 йил июл ойида Мароғадан Қай Қубод ва ўша даврнинг бошқа кучли хонларига, Синд дарёсидан Нил дарёсига оралиғидидаги ўлкаларга жўнатилган, фозил ва ҳақим эдилар Жалолиддин Мангуберди Хоразмишнинг юрак қаъридаги орзу-уйларини етказган ва ўз тиллари билан баён-шаъх қилган эдилар. Жалолиддин ўша пайтдаги гуржи давлатини ҳам ўз иттифоқчилари сафларига тортишни орзу қилди. Гуржи давлат аёнлари, малика Русудан билан музокаралар олиб борди. Уларга мўғул истилосига қарши биргаликда, кучларни бириштириб қарши туришни таклиф қилди. «Агар бирлашмасак, мен бўлмаган тақдирда ҳам, давлатингни истилочилар томонидан вайронага айлантрилади. Сизлар ёлғиз уларга қарши туrolмайсиз. Мен Гуржистоннинг вайронага айлантришни истамайман, мен уни душманлардан сақлашни истайман. Агар сизлар мени қўласангизлар, мадад берсангизлар, тинчлик-аминликка эришсангизлар, деб каттик даъват этди. Лекин ўша пайтдаги гуржи арбоблари унинг даъватини тўла тушуниб етмадилар. Ўз кучларига ортиқча баҳо бердилар. Хатто Жалолиддинга қарши олтиш минг кишилик қўшин тўлаб қарши чиқдилар. Жалолиддин гуржи қўшинига қарши жанг қилишга мажбур бўлди. У мўғул ваҳшатига қарши ён-атрофи мустаҳкам бўлишни истарди. Плацдарм мустаҳкам бўлмагунча Чингизни енгиб бўлмастлигини ҳаммадан теранроқ англади. Кейинги воқеалар Мангуберди ниҳоятда тўғри йўл тутаётганини кўрсатди. 1227 йил 5 сентябрда Исфохон яқинида жуда катта мўғул лашкари билан ҳал қилувчи жангда Жалолиддин тўла ғалаба қозонди. Истилочилар қўшинларини мажақлаб ташлади. Мўғул лашкарбосиларидан бири Тайнал нўён шу жангда: «Ҳақиқатан, у ўз замонасининг баҳодир ва ўз насрларининг йўлбошчиси экан!» — деб ҳайқирган, Жалолиддинга шундай тан берган эди. Буни қаранг-ким, худди шу ҳал қилувчи жангда унга тургишган укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ хиёнат қилди. Мангуберди бундай хиёнатларни кўри кўрди. У мамлакатнинг бир чеккасини мустаҳкамлаш, феодал бемаъни исёларни бостирши учун сафарга отланганда, нариги бошқа чеккада яна бир куч қирқар исён чиқар, ўша давр хону ҳукмдорлари арфидан мўғул зулминини яхши тасаввур қилмас ва Мангубердининг ҳақдан ортқ қўчайиб кетишини истамас эдилар. Шунинг учун ҳам, тўхтовсиз унинг куч-қудратини емириб, эғовлаб боришга интилар эдилар. Жалолиддин бу мислсиз бебошлиқлар ва хиёнатлардан каттик изтиробга тушар, бош-кеги кўринмас исёнлар ва бемаъни низолар ўтида қоврилди.

Мангуберди Чингиз ваҳшатини енгитишга ўрганди, лекин бебошлик, хиёнат, ўзаро низо ваҳшатларини енгитишга мўясар бўлмади. Ватандан узоқда мусулмон давлатларининг кучлари ҳамда манфаатларини бириштиришга қилган саъй-ҳаракатлари 1230-йилларга бориб зое кетди. Жалол жангларда ёлғизлини қолди. Замон шиддати уни аёвсиз маҳв этди.

Жалолиддиннинг ҳаёти ва қисмати беҳудо поён фожиялар ва мислсиз қаҳрамонликларга тўлиқдир.

У ўз замонасида босқин ва истилога қарши майдонда туролган ягона сиймо эди. Тарихчилар унинг хатолари ҳақида ҳам ёзадилар. Лекин Насавий, Рашидиддин, Жувайний, Ибнул Асир асарларини ўқисангиз, бу хатолар шахсдан кўра кўпроқ давр ва замонга дахлдор ва тааллуқли эканлигини тушунаси.

Бутун буюк аҳдодимиз сиймосини ўрганиш ва англашнинг илгари ҳеч қачон бўлмаган даври келди. Миллий истиклол ўз қаҳрамонларини энди ҳар томонлама билиш, улар маърифати ва қаҳрамонликларидан сабоқ олишга қодир. Мангубердига ҳолис муҳаббат билан қарасак, у шубҳасиз бизга ўз ноёб гулгул мулки ва тақдир сирларини очажак.

Иброҳим ҒАҒУРОВ



ҒАНИМАТ ДАМЛАР

Чортоқ туманидаги «Ғалабанинг 45 йиллиги» жамоа хўжалигининг Файзулла Турсуннинг бошлиқ 22-бригадаси деҳқонлари бу йил пахтадан 40 центнердан, картошқадан 200 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Бундан ташқари, уруғи Украинадан олиб келинган икки гектар майдондаги соя ўсимлигидан ҳам баракали ҳосил кўтариб, ундан ёғ ишлаб чиқаришни мўлжаллаганлар.

Ҳозирга келиб, бригада далаларида пахта бир текисда чаман-чаман бўлиб очилди. Жамоа аъзолари ғанимат кузининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, ёғин-сочини қулларга қолдирмай саранжомлаб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: Теримчи қизлар — Феруза Холимирзаева ва Нигора Бойхонова. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

КЕЛАЖАК АСР ЭКОЛОГИЯСИ: У БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Экология — бу сўзни айни кунлардаги кишилар, дейлик, йиллар давомида тақроланиб келаётган «маънавият» сўзидан ҳам яхшироқ тушуниб улгурдилар. Ушбу сўз ифодаларга тушунчаларга доир муаммолар омманинг фикр доирасига кирди. Маънавият ва экология сўзларининг туғилиши, қўлланилиш даври тарихий нуқтаи назардан, аслини олганда, мўқосса қилиб бўлмайдиган фарқларга эга, шу билан бирга, инсоният учун бирдай зарур ифодалардир. Зеро, маънавияти тоза кишилар, маънавияти тоза жамият экологияга ҳам тоза муносабатда бўлади.

Экологик муаммоларнинг ҳал қилиниши, атроф-муҳитнинг, табииётнинг муассофчилигини таъминлаш, оламни, еру-осмонимизни азалий экологик мувозанатини сақлаб қолиш бугун (ва келажакда ҳам) ўзимизнинг, инсониятнинг яшаш шартига айланиб турибди. Бинобарин, экологик бузилиш охири-оқибатда одам (шу жумладан, барча мавжудот) тана-сидаги асрий сақланаётган

ирсий мукамалликка дарз етказди, яна фан тили билан айтганда, одам генини ўзгартириб юбора олади. Биз ер юзиде кишиларнинг тинч-тотув яшашига раҳна солувчи турли сиёрий таҳдидларни тилга оламиз, улардан инсониятни оғохлантрирамиз, экологик таҳдид ҳам шулардан кам эмас. Ҳозирда Орол бўйи минтақасида яшайётган аҳолининг табиий саломатлиги борасида жиддий масалалар мавжудлиги сир эмас. Бу ердаги аёлларнинг 95 фоизи анимия — камқонлик касалига чалинган, маълумотларга қараганда, ушбу регионда меҳнаткорларнинг ўртача умр кўриши 40-45 ёшни ташкил этмоқда. Орол бўйи минтақасидаги вазият жаҳон жамоатчилигининг ҳам эътиборида турибди, хусусан, халқаро «ЭКОСАН» ташкилоти бу борарда ўз тадбирларини амалга ошираётти, кейинги беш йилликда ташкилотнинг Тошкент клуби томонидан шу регионлар аҳолисига 12 млн. доллар миқдорда инсонпарварлик ёрдами берилганлигини қайд қилиш мумкин. Маш-

хур Рим клубининг филиали шаклида 1994 йилдан бери фаолият кўрсатаётган ушбу Тошкент «ЭКОСАН» клуби аъзолари иштирокида экологик муаммолар мавзусида бир неча халқаро конференциялар, симпозиум, учрашув ва семинарлар ўтказилди.

25 сентябрь кунин Рим клубининг 30 йиллигига бағишланган анжуманда ҳам юқоридаги фикр-мулоҳазалар таъкидланди. Унда сўзга чиққан халқаро «ЭКОСАН» фондининг Президенти, фалсафа фанлари доктори профессор, Тошкент «ЭКОСАН» клубининг Президенти Юсуфшон Шодиметов, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Факулудда ва Мухтор элчиси Йоланда Брунетти Гетц хоним, Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқарувининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган Фан арбоби вақиналар институти директори Феруз Ғариб ва бошқалар бугунги экологик муаммоларнинг таҳлили, уларни ҳал қилиш йўналишлари ва имконлари хусусида тўхтадилар, амалий таклиф-

лар киритдилар. Бу анжуманда бир гуруҳ фан ва маданият ходимлари, йирик ишбилармонлар клуб аъзоларига қабул қилинди. Ҳамда уларга Тошкент «ЭКОСАН» клубининг сертификати, симпозиум, учрашув ва семинарлар орасида муфтий Абдурашид қори ҳазратлари, академик Азимбой Саъдуллаев, Ўзбекистон Халқ артисти Фаррух Зокировлар ҳам бор.

Чиндан ҳам бу муаммолар кенг қўламда, улкан тажрибали, билимдон, етук кишиларнинг илмий-амалий мулоҳазалари, ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар, ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбат билан ўз ечимини топиши, тафаккур ҳамжихатлиги ҳал қилиниши, бир сўз билан айтганда, келажак асрда ҳозирги экологик таҳдид бутунлай сўниши мумкин.

Анжуман иштирокчилари Тошкент «ЭКОСАН» клуби иш фаолиятининг асосий йўналишига доир тавсиянома лойиҳасини қўриб чиқдилар ва уни бир овоздан қабул қилдилар.

Дилором МАТКАРИМОВА

Насиба ИБРОҲИМОВА:

КИМЁЛАРНИНГ КИМЁСИ



Ўзбекистоннинг дунё билан маданий алоқалари жонлашиб, кенгайиб бормоқда. Махсус муҳбиримиз Дилором ҚЎЗИЖОН яқинда Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори ҳурматли Насиба Иброҳимова билан сўхбатлади.

— Хурматли Насибахон опа! Музейларда хизмат қиладиган заҳматкашларнинг меҳнати ҳадеганда кўзга ташланавермайди. Аслида бу ерда тарих уйғоқ, ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқангизнинг белгиланган режаси бор. Музейлар дунёдаги энг со-

кин, осойишта жойлар. Аммо кўриб турибманки, иш қайнаган бир пайтда келдим, чоғи...

— Тарихни севган, у ҳақда қайғурган фидоийларни чин маънода ўзини ҳурмат қилувчи кишилар деб биламан. Тарих садо бериб турувчи маданият масканларида касбига меҳр қўйган, мутахассисликни яхши эгаллаган кишиларгина ишласалар, ўзини оқлайди. 75 нафар жонқурларимиз бор. Шуларнинг ғайрати билан ҳар йили 20га яқин кўрсалма, турли тадбирлар ўтказамиз. Улар доим музей фаолиятини мазмунан бойитиш, кўпроқ томошабинларни жалб этиш, уларнинг эстетик тарбиясига хизмат қилишни ўйлашади. Мен бу ерда касбига син қучиб, ҳар бир жиҳозни ҳар кун кузатиб, меросимизга самимий меҳр ва эътибор билан қараган одамларни кўраман. Бош муҳофиз Юлдузхон Ермухамедова, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Светлана Манасян, амалий санъат бўлими бошлиғи Озодахон Олимова, таъмирлаш лабораторияси мудир Мирфайзи Усмонов, катта илмий ходим Идэя Морозова, иқтисод ва умумий ишлар бўйича директор муовини Эркин Аюбов каби ходимларимиз икки-уч тилини билишади, ўз ишларида яхши малака орттиришган.

Давоми 2-бетда

Маданият гўшаларида

1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кунин



ГЕРХАРД ШРЕДЕР САЙЛОВЛАРДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Германия Бундестагига сайловларда Германия Социал демократик партияси катта ғалаба қозонди. АКШ президенти Билл Клинтон жа-ноб Шредерни бу юксак ғалаба билан қутлади. ГФР канцлери Гелмут Кол Христиан-демократик иттифоқи партияси раиси лавозимдан истеъфога чиқишни маълум қилди. У 1973 йилдан бери шу партия раиси эди. Гелмут Кол Канцлер бўлиб турган вақт мобайнида дунёда тинчлик жараёнига, мамлакатлар ва халқларнинг яқинлашувлари ҳамда ҳамкорликларига катта ҳисса қўшди.

ТОЛИБЛАР ВА ЭРОН

Овозлик радиосининг хабарига қараганда, Талиблар Афғонистоннинг Эрон билан chegarош ерларига 4 минг қўнғилини жўнатган. Ўтган ҳафта Кобулда бўлиб ўтган ва 2 мингдан ортқ диний уламо-

лар қатнашган йиғинда Афғонистон Эрон билан уруш чқиса, бунга тайёр турмоғи керак, деган фикр билдирилган.

ЧЕЧЕНИСТОНДА ВАХҲОБИЙЛАРНИМА ҚИЛМОҚЧИ?

Чеченистон президенти Аслон Масхадов ваҳхобийлик ҳаракатини қоралаб

папирган. Уни ҳақиқий исломга ёт маъ-ҳаб деб атаган, Сауд Арабистонининг бу ҳаракатни ёши йўлдики сиёсати Афғонистон, Жазойир, Тожикистонда миллий талофатларни келтириб чиқарди. Чеченистонда бу маъзаб тепасида Зелмихон Яндарбиев турибди. У давлат ишларининг издан чиқиши, халқини талотўпга учраши учун урнинмоқда.

ЯНА НЕВАДА СИНОВЛАРИ

Невада штатидаги Ядро полигониде «Субкритик» деб номланган тажриба синовлари ўтказилди. Бу туртинчи шундай синов. Синовдан мақсад — ядро қуроллари назоратини қўйилтришидир. Бунда плутоний эскирган сайин унинг хусусиятлари ва хоссалари қан-

ҚОТИЛИНГ ДЎСТИ ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Исроил бош вазири Исҳоқ Рабин Игал Амир деган қимса томонидан ўлдрилган эди. Яқинда қотилининг

дўсти Маргалит Хар-Шафи устидан суд ҳукми чиқди. Хар-Шафи қотилдан хабардор бўла туриб, бу ҳақда полицияни оғохлантримагани учун 9 ой қамоқ жазоси олди. Амирнинг ўзи 1998 йилда бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХУН СЕН ОМОН ҚОЛДИ

24 сентябрда Камбожа бош вазири Хун Сенга суикасд уюштирилди. Хун Сен кетаётган автомобилга қарата отилган ракета машинадан икки-уч қадам нарида портлаган. 12 яшар бола ҳалок бўлиб, бир неча киши яраланган. Хун Сеннинг ўзи соғ-саломат. «Агар мухолифлар менга қасд қилишни тўхтатмасалар, улар янчиб ташланадилар», деган бош вазир. Мухолиф вақиллари бу зиёнкорлик ишлариде уларининг қуллари йўқлигини билдирмоқдалар.

ЎТГАН ҲАФТА...

... Байналмилал марказида Муфтий Зиёвуддин ибн Эйшон Бобоҳон ҳазратлари таваллудининг 90 йиллигига

бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда атоқлик уламо ҳаёти, фаолияти, ижодига бағишланган қизиларий маърузалар, замондеш, сарфдош, издошларнинг ёрқин хотира-лари тингладиди.

... 25 сентябрда «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ёнқ акциядорлик жамиятининг таъсис йиллигини бўлди. Унда янги жамиятнинг Низоми ҳамда Таъсис шартномалари тасдиқланди. Зафар Розиев нодавлат ахборот агентлигининг бош директори этиб сайланди.

... 25 сентябрда халқаро Симфоник музыка фестивали якунланди. Фестивалда АКШ, Франция, Туркия, Хитой, Корея, Россия, Люксембург, Болгария, Марказий Осиё давлатларининг танқили санъаткорлари ўз асарлари билан қатнашдилар.

Фестивал музыка санъати ривожини учун катта ҳисса бўлиб қўшилди.

